

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТНИ  
МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

*Нурхонов Комилжон Товқараевич*

*Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси магистранти*

**Аннотация:** Банк менежментини такомиллаштириш тижорат банкларининг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Ўз навбатида, банк менежментининг самарадорлигини таъминлашнинг зарурий шarti бўлиб, муқобил қарорларни шакллантириш ва уларни қабул қилишнинг оқибатларини баҳолаш ҳисобланади. Бу эса, банк менежменти тизимида қарорлар қабул қилиш жараёнини моделлаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ушбу тезисда Ўзбекистон тижорат банкларининг бошқарув тизимида моделлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, менежмент, моделлаштириш, банк технологиялари, ахборот технологиялари, актив, кредит, рентабеллик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш,

банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган<sup>1</sup>. Бу эса, тижорат банкларида менежментни такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, банк менежментининг мазмунини истиқболли ва жорий режалаштириш, тартибга солиш ва назорат ташкил этади<sup>2</sup>.

Ю.Ледокнинг фикрига кўра, банк менежментининг асосини молиявий менежмент ташкил этади ва ўз навбатида, молиявий менежмент қуйидагиларни ўз ичига олади:

- \*банк сиёсати;
- \*маркетинг;
- \*активлар ва пасивларни бошқариш;
- \*даромадларни бошқариш;
- \*ўз капиталини бошқариш;
- \*кредит портфелини бошқариш;
- \*банк рискларини бошқариш;
- \*ахборот тизимларини яратиш<sup>3</sup>.

В.Дорофеев ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, “банкнинг ўсиш стратегияси агрессив рақобат сиёсатига йўналганликни кўзда тутди ва ушбу рақобат сиёсати рақобатчиларни ўта қаттиқ усуллардан, шу жумладан, ҳар доим ҳам легитим бўлмаган усуллардан фойдаланган ҳолда сиқиб чиқариш йўналтирилган бўлади”<sup>4</sup>.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, тижорат банкларининг кредит портфелини бошқаришда асосий эътибор кредит олувчи мижознинг пул оқимини таҳлил қилиш орқали кредит рискинни пасайтиришга қаратилиши

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й

<sup>2</sup> Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика, 2008. – 440 с.

<sup>3</sup> Ледок Ю.Е. Банковский менеджмент – основа эффективного управления//Вестник Омского университета. – Омск, 2007. - №3. – С. 78-79.

<sup>4</sup> Дорофеев В. Д. Стратегическое планирование коммерческого банка//Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2013. – № 2 (26).- С. 168.

керак<sup>5</sup>.

В.Евсюковнинг фикрига кўра, банк менежментини моделлаштиришда қуйидагилардан фойдаланилади:

\*банк технологиялари;

\*ахборот технологиялари;

\*иқтисодий-математик методлар;

\*бошқарув назариясининг методлари<sup>6</sup>.

Юқорида биз иқтисодчи олимларнинг банк менежментини моделлаштириш бўйича фикрларини таҳлил қилдик. Унга кўра банк менежментини моделлаштиришни ҳар бир иқтисодчи олим турли кўрсаткичларга боғлаган, лекин ҳар бир кўрсаткич банк менежментини ривожланиши учун муҳим ҳисобланади.

---

<sup>5</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – С. 485 - 486.

<sup>6</sup> Евсюков В.В. Особенности банковского менеджмента на современном этапе и роль информационно-технологического моделирования процессов поддержки принятия решений в повышении его эффективности//Вестник ТулГУ. – Тула, 2010. – С. 137-143.